







“Turizm sohasi milliy iqtisodiyotning muhim drayveri” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalari to‘plami (2023 yil 25-noyabr)

Samarqand 2023

www.sies.uz

Samarqand sh. A.Temur ko‘chasi 9-uy

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

Navoiy viloyati hokimligi

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Turizmni rivojlantirish instituti

Qozon Federal universiteti

Qolmiq davlat universiteti

Xalqaro turizm va mehmondo‘stlik universiteti

Samarqand 2023

www.sies.uz

Samarqand sh. A.Temur ko'chasi 9-uy

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ТУРИЗМ” КАФЕДРАСИ

“ТУРИЗМ СОҲАСИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ”

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

Конференция, Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135 сонли Қарори ижроси юзасидан ўтказилди

(2023 йил 25 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2023

Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим драйвери. / 2023 йил 25-ноябрь. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2023. – ..... бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:
С.А.Абдухамидов – кафедра мудири, доцент
Г.Р.Турсунова – кафедра доценти в.б.

Нашр учун масъуллар:
И.С.Тухлиев – кафедра профессори, и.ф.д.
З.О.Рахимов – кафедра доценти, и.ф.н.
Р.С.Амриддинова – кафедра доценти, и.ф.н.
Р.Ҳайитбоев – кафедра доценти в.б.
С.Х.Махмудов – кафедра доценти в.б.

Илмий-амалий конференция материалларида туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг муҳим драйвери сифатида ривожлантиришнинг назарий-методологик масалалари, Ўзбекистонда ички ва кирувчи туризмни барқарор ривожлантириш суръатлари ва кадрлар тайёрлаш сиёсати, Янги Ўзбекистонда рақамли технологияларни қўллаш орқали туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш, Навоий вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантиришда тарихий, маданий ва маънавий меросидан оқилона фойдаланиш ҳамда Навоий вилоятига ташриф буюрувчи туристлар оқимини кўпайтиришнинг янги йўналишлари бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Профессор-ўқитувчилар, талабалар, магистрлар, тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023

3. Tukhliev, i. S., & muhamadiyev, a. N. (2019). Smart-tourism experience in geo information systems. *Theoretical & applied science*, (4), 501-504.

4. Tukhliev, I. S., Babaev, F., & Makhmudova, A. (2017). The basic task of the further development of the tourism industry in Uzbekistan. *Industrial tourism: opportunities, priorities, problems and perspectives*, *10*(1), 391-398.

5. Makhmudova, A. (2019). Enhancement of the Ecotourism Efficiency in the Republic of Uzbekistan: Experience of the Developed Countries. *Indonesian Journal of Law and Economics Review*, *3*, 10-21070.

6. Makhmudova, A. (2020). Organizational and economic reasons preventing the development of ecological tourism in Uzbekistan. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, *12*(6), 1217-1220.

7. Махмудова, А. П. (2022). Основные формы паломнического туризма. *Builders of the future*, *2*(2), 139-145.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

С.А.Абдухамидов - СамИСИ Туризм кафедраси мудири, доц., PhD.

Аннотация: *В данной статье представлена информация о социально-экономических аспектах развития туризма в Навоийской области. В статье также представлены положительные эффекты долгосрочной аренды туристических объектов для предпринимателей, факторы, связанные с количеством и структурой туристских расходов.*

Ключевые слова: *туризм, внутренний и въездной туризм, инновационное развитие, приоритетные отрасли экономики, конкурентные преимущества туристической индустрии, туристический поток, туристические услуги, частные владельцы.*

Abstract: *This article provides information on the socio-economic aspects of tourism development in the Navoi region. The article also presents the positive effects of long-term rental of tourist facilities for entrepreneurs, factors related to the number and structure of tourism costs.*

Key words*: tourism, domestic and inbound tourism, innovative development, priority sectors of the economy, competitive advantages of the tourism industry, tourist flow, travel services, private owners.*

Замонавий шароитлар жаҳон хўжалигида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам туризмнинг муҳим йўналиш ва жадал суратлар билан ривожланаётган соҳаси сифатида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятининг ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Ички ва кирувчи туризм ривожланиш жараёнида ЯИМ шаклланишида муҳим аҳамиятга эга, шу билан бирга аҳолининг турмуш сифати ва фаровонлигини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ҳам айнан туризм билан боғлиқ бўлиб, давлат томонидан иқтисодиётнинг устувор соҳаларидан бири сифатида кўрсатилмоқда. Ўзбекистон туризм салоҳиятига ҳамда инфратузилмасига эга бўлсада, улардан етарли даражада фойдаланилмаябди. Туризм соҳасининг рақобат устунлигига эришиши мамлакат иқтисодиётининг диферсификациялашуви ҳамда ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишида

муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида ички ва кирувчи туристик оқимларнинг ўсишини таъминлайди, натижада минтақавий иқтисодиётнинг ривожланиши кузатилади.

Кейинги йилларда туризм соҳасида қатор тенденциялар кузатилмоқда. Жумладан, кирувчи туристлар оқимининг кучайиши, туризм географиясининг кенгайиши ва таклиф қилинаётган туристик хизматлар турининг кўпайиши, таклиф қилинаётган туристик хизматлар сифатининг пасайиши, қабул қилувчи мамлакатлар томонидан миллий менталитетларга мослашиб бораётган хизматларнинг таклиф қилиниши, туристлар томонидан хизматларнинг нархи ва сифати уйғунлигига талабларнинг ортиб бориши ва б.. шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, ҳукуматимиз томонидан барча зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26-апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-135-сонли Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг туристик салоҳияти ва имкониятлари бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудларнинг туристик контентлари яратилиб халқаро даражада тарғиб қилинмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг ПҚ-135-сонли Қарори асосида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига бриктириган Навоий вилоятининг туристик имкониятлари ва истиқболли йўналишлари доирасида, институт олимлари томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилиб тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Навоий вилояти ҳудудларидаги туристик обеъктлардан самарали фойдаланиш орқали туристларни жалб қилиш, маданий бойликларни сақлаб қолиш ва вилоят иқтисодиётини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Туристик обеъктлардан анъанавий ва новаторлик йўналишларида самарали фойдаланиш мумкин. Айниқса бугунги кунда биринчи ўринда обеъктларнинг нуфузи, мавқеи, мулк шакли ва уларнинг жозибадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли, энг мураккаб муаммо туристик объектларнинг мулк шаклини белгилаб олиш масаласидир.

Бизнингча, вилоят ҳудудидаги туристик обеъктларни тадбиркорларга узоқ муддатли ижрага бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин (1-расм):

Туристик ресурсларни яратиш ва уларни эксплуатация қилишда энг асосийси – уларнинг рентабеллиги ва хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни ҳамда режасини ишлаб чиқиш зарур. Бундай вазиятда хусусий мулкдорлар (туристик обеъктлар ижарачиси) нафақат улардан самарали фойдаланишлари, балки ноу-хау яратиш, инвестициялар жалб этиш, объектларнинг талаб даражасида сақланишини кафолатлаши мумкин. Туристик объектлардан хусусий мулк эгалигига бериш билан боғлиқ қонунчилик базасининг амалга киритилиши туристик объектларга

кўпроқ туристларни жалб қилиш, шу орқали туристик ҳудудларнинг ривожланиш даражасини ошириши мумкин.



1-расм. **Туристик объектларни тадбиркорларга узоқ муддатли ижарага беришнинг ижобий натижалари**

Шунингдек, Навоий вилояти ҳудудларида туризм инфратузилмасини шакллантириш ва мавжудларини ривожлантириш, туристик хизматларни ташкил этиш ва ассортиментларини кўпайтириш асосида туристларни жалб қилишда туристлар томонидан сарфланадиган маблағлар ҳажми ва таркиби боғлиқ бўлган омилларни ҳам инобатга олиш лозим.

Таъкидлаш жойизки, таътиллар даврида туристлар томонидан сарфланадиган маблағлар ҳажми ва таркиби турли ҳолатларга боғлиқ. Туризм иқтисодиёти бўйича Венеция университети қошидаги халқаро тадқиқотлар маркази мутахассислари берган маълумотларга кўра ушбу ҳолатлар бешта омилга боғлиқ (2-расм).



2-расм. **Туристлар томонидан сарфланадиган маблағлар ҳажми ва таркиби боғлиқ бўлган омиллар**

Бу ерда:

1) туристлар ташриф буюрган жойнинг ижтимоий-маданий қёфаси туристларнинг харид қилиш характерига кучли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари туристларнинг ташрифи хорижий валютани айирбошлаш самарасига ҳам боғлиқдир. Бу омиллар у ёки бу минтақа (ташриф буюрилаётган мамлакат, ҳудуд, жой) ҳамда сарфлаш режалаштирилаётган маблағ ҳажмига ҳам боғлиқдир;

2) минтақа ёки дам олиш жойининг жозибадорлик даражаси. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, дунёга таниқли музей, меҳмондорчиликлар, маданий ёдгорликлар туристлар учун денгиз, тоғ ёки ўрмонда дам олишга қараганда қимматроқ тасаввур қилинади. Шунингдек, туристик марказлардаги ва табиий ҳудудлардаги харажатлар таркиби ҳам тубдан фарқ қилади

3) жойлаштириш воситаларининг тури ва ҳолати. Туристик харажатлар ҳажми турист ташриф буюрган вақтинчалик жойлаштириш воситалари (меҳмонхона, кемпинг, туристик қишлоқ ёки шаҳарча) ва уларнинг тоифасига боғлиқдир.

4) туристик маҳсулот давомийлиги. Дам олиш давомийлиги транспорт воситаларини, жойлаштириш воситаларини, турли товар ва хизматларни танлашда аҳамиятга эга. Қисқа муддатли турларда асосий туристик харажатларнинг барчаси ўз аксини топади.

5) дам олиш вақти (мавсум, мавсумдан ташқари давр, мавсумлараро давр). Туристик харажатлар ҳажми мавсум хусусиятига боғлиқ бўлиб, айниқса, туристик мавсум туристлардан кўпроқ маблағ сарфлашни талаб этади.

Ҳар бир ташриф 2-расмда кўрсатилган бешта омиллар асосида шаклланади ҳамда туристлар томонидан у ёки бу товар ёки хизматларни танлашда ўз аксини топади.

Умуман олганда юқорида таъкидланган туризмнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларининг Навоий вилояти ҳудудларида қўлланилиши ва уларга амал қилиниши мамлакат ЯИМ, шунингдек минтақдаги ЯҲМдаги улушининг барқарор ўсишини таъминлайди ҳамда туризмнинг ихтисослашган тармоқ сифатидаги ролини оширади.

Шундай экан, Навоий вилоятида туризмни ривожлантириш, туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- туристлар ташриф буюрадиган жой ва ҳудудларнинг ижтимоий-маданий қёфасини янада ошириш, вилоят ҳудудларининг ёки дам олиш жойларининг жозибадорлигини таъминлаш;

- вилоят ҳудудларида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситасининг сонини ҳамда туризм турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш воситаларининг турларини кўпайтириш. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги хизматлар ассортиментини ошириш ва сифатини яхшилаш;

- туристик маҳсулотлар истеъмолининг мавсумийлик хусусиятини камайтириш учун тегишли ишаларни амалга ошириш. Хусусан, йил

фасилларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

- вилоят ҳудудларидаги туристик объектларни тадбиркорларга узоқ муддатли ижрага бериш тизимини тадбиркор ҳамда давлатнинг манфаатдорлик даражасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

- туризм индустриясида хўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий бошқарув органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш ва б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26-апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-135-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
3. Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э., Бердимуродов А.Ш. “Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луғати”. С.: 2019 й.
4. Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2021 й.
5. Тухлиев И.С., Пардаев М.Қ. Туризм бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “NOSHIRLIK YOG‘DUSI”, 2010. – 76 б.
6. Боголюбов В.С. Экономика туризма: учебное пособие.– М.: Издательский центр “Академия”, 2008. – 192 с.
7. Сенин В.С. Организация международного туризма. М.: «Финансы и статистика» 2004. - 379 с.

NAVOIY VILOYATINING TURIZM IMKONIYATLARI

Usmonov M.R.- SamDU
Xaydarov S.A. – SamDU

Аннотация: *В статье обращено внимание на территориальную организацию туризма в Навоийской области, особенно развитию и расширению в перспективе. С концентрировано особое внимание на планирование мероприятий, связанных с туризмом, научно обоснованному размещению туристических объектов и целевому подходу к развитию туризма.*

Ключевые слова: *туристические ресурсы, экономика туризма, инфраструктура туризма, зоны отдыха, сервисные отрасли.*

Annotation: *In this avticle Indicated territorial organisation and developting tourism in Navoiy region Scientific based olepending touristie actions, progress and territorial organization touristie objects in the region.*

Key words: *touristic sources, economics of tourism,the structure of tourism, point of resting, the way of service, Horizon tourism.*